



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 40-47 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ИҚТИСОДИЁТЛАРНИ ЖАДАЛ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ БИЗНЕС ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ ВА ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ



Матёқубова Д.О.

Урганч давлат университети, Phd

e-mail: matyoqubova.d.o@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодиётларни жадал интеллектуаллаштириш шароитида маҳаллий бизнес тузилмаларининг инновацион ривожланиш динамикаси ва ҳолати чуқур таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Инновацион ривожланиш, стратегия, инновацион ривожланиш стратегияси, инновацион фаолият, бизнес тузилмалари, маҳаллий бизнес тузилмалари, ташкилий тузилма.

Иқтисодиётни жадал интеллектуаллаштириш шароитида иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини излаш ва ривожланишнинг янги моделини белгилаш ички захиралардан тўлиқроқ фойдаланиш ҳамда мавжуд хўжалик механизмларини такомиллаштириш заруратини белгилайди. Янги воқелик шартлари рақобатнинг кучайишига олиб келадиган бўлажак ўзгаришларни раҳбарият ҳамда ижрочилар томонидан адекват идрок этиш ва хабардор қилиш асосида бизнес тузилмаларининг мослашувчан хатти-ҳаракатларини талаб қилади.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион йўли бу рақобатбардошликни доимий янгиланиш орқали таъминлайди. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолият йўналиши 2010-2023 йилларга мўлжалланган иқтисодиётни жадал интеллектуаллаштириш шароитида маҳаллий бизнес тузилмаларининг инновацион ривожланиш динамикаси ва ҳолати кўрсаткичлари асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг йиллик тўпламлари ва Хоразм вилояти статистика бошқармаси ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлар ҳамда бизнес тузилмаларининг сўровнома маълумотлари таҳлили ёрдамида белгиланиши керак.

Иқтисодиётни жадал интеллектуаллаштириш шароитида маҳаллий бизнес тузилмаларининг инновацион ривожланиш ҳолати ва динамикасини диверсификациянинг инновацион векторини танлаш учун асос сифатида ўрганиш уч босқичда амалга оширилди:

- **биринчи босқич** - хўжалик юритувчи субъектлар сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича динамикаси ва таркиби кўрсаткичлари бўйича Хоразм вилоятининг хўжалик юритувчи субъектлари, хусусан, йирик, ўрта, кичик

корхоналарнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш; хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда сотилган маҳсулот (товарлар, хизматлар) ҳажмининг динамикаси ва таркиби; хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-номоддий активларига капитал қўйилмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича динамикаси ва тузилмалари;

- **иккинчи босқич** - инновацион фаол корхоналар сонининг динамикаси ва тузилмаси кўрсаткичлари бўйича Хоразм вилоятининг хўжалик юритувчи субъектларининг инновацион ривожланиш ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони билан иқтисодий фаолият турлари бўйича таққослаш; иқтисодий фаолият турлари бўйича технологик ёки технологик бўлмаган инновацияларни жорий этган корхоналар сони; инновацион фаолият соҳалари ва иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат корхоналари томонидан реализация қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархи ва ҳажми;

- **учинчи босқич** - Хоразм вилоятида бизнес тузилмаларини стратегик бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш: таъсис ҳужжатларини – корхоналарнинг хўжалик фаолияти соҳалари, ҳажми, ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича низомларини ўрганиш; тадбиркорлик тузилмаларининг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш; муқобил фаолият йўналишларини танлаш бўйича текширилаётган корхоналар раҳбариятини ўрганиш. А иловада келтирилган маълумотлари асосида аниқланган 2010-2023 йилларда Хоразм вилояти тадбиркорлик субъектларининг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш натижаларини умумлаштирилган (1-жадвал).

1-жадвал

2010-2023 йилларда Хоразм вилояти хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш натижалари¹

Энг юқори ўсиш суръати (2010/2023)	Энг паст ўсиш суръати (2010/2023)	2023 йилда энг катта улуш	2023 йилда энг кичик улуш
1. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар сони			
749,4%	177,5%	31,3%	1,4%
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	Савдо	Ахборот ва алоқа
Йирик корхоналар субъектлари			
300,0%	-57,6%	2,6%	0,03
Ташиш ва сақлаш	Қурилиш	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
Кичик бизнес субъектлари			
766,8%	180,6%	18,6%	1,5%
Қишлоқ, ўрмон ва	Ахборот ва алоқа	Саноат	Ахборот ва алоқа

¹ Муаллиф ишланмаси

балиқчилик			
2. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ҳажми			
304,9%	98,7	29,5%	4,1%
Саноат тармоғи	Бошқа тур ишлаб чиқариш ва хизматлар	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар
Йирик тадбиркорлик субъектлари			
792,4%	158,8%	53,8%.	0,39%
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик	Бошқа тур ишлаб чиқариш ва хизматлар	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик	Бошқа тур ишлаб чиқариш ва хизматлар
Кичик бизнес субъектлари			
640,9%	114,8%	27,4%	1,22%
Саноат тармоғи	Қурилиш	Саноат	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар
Иқтисодий фаолият турлари бўйича технологик ёки технологик бўлмаган инновацияларни жорий этган корхоналар			
18,1%	3,8%	15,7%	6,6%
Қурилиш	Ахборот ва алоқа	Саноат тармоғи	Ташиш ва сақлаш

2010-2023 йилларда Хоразм вилояти қтисодий фаолият турлари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар сонига эътибор қаратадиган бўлсак, энг юқори ўсиш сурати Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғига тўғри келиб 749,4 %ни, энг паст ўсиш сурати эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар бўлиб 177,5 %га тенг бўлган. Айнан 2023 йилда бу борадаги энг катта улуш савдо соҳасида 31,3 % ва энг кичик улуш 1,4 % билан ахборот ва алоқа тармоғига тўғри келди.

Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар ўртасида 2010-2023 йиллар оралиғида энг юқори ўсиш даражаси ташиш ва сақлаш соҳасига тўғри келиб унга кўра, 300,0 %ни энг паст ўсиш эса қурилиш соҳасида -57,6 % ёки амалдаги қийматлар билан аниқланадиган бўлса 33 тадан 19 тага тушиб қолганлиги билан изоҳланади. 2023 йилнинг ўзида корхоналар демографиясига эътибор қаратадиган бўлсак, энг юқори улуш 2,6 % билан соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларга, энг кичик улуш 0,03 % билан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларга тўғри келганлиги аниқланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари умумий сонининг энг катта ўсиш суръати “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик” соҳасига тўғри келди – 766,8 фоиз. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки 2010-2023 йилларда савдо ҳамда ташиш ва сақлаш тармоқларида ҳам юқори даражада ўсиш юзага келиб улар мос равишда 616,9 % ва 557,5 % га ўсди. 2023 йилда 27,4 % улуш билан саноат тармоғи энг юқори ва энг кичик 1,5 % улуш билан ахборот ва алоқа соҳаси эгаллади.

Умуман олганда, ажратиб олинган иқтисодий фаолият турлари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар сони ўртасида 2010-2023 йилларда энг юқори ўсиш сурати уичик бизнес субъектларига(қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик - 766,8 %) энг паст

ўсиш сурати йирик корхоналар(қурилиш -57,6 %), 2023 йилда уларнинг барча субъектлар таркибидаги улуши бўйича жами иқтисодий фаолият турлари бўйича хўжалик юритувчи субъектларга (савдо-31,3 %) ва энг кичик улуш йирик корхоналардан яшаш ва овқатланиш (0,03 %) соҳасига тўғри келди.

2010-2023 йилларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) умумий ҳажмининг энг юқори ўсиш суръати саноат тармоғига тўғри келиб унга кўра, энг юқори ўсиш даражаси саноат тармоғига тўғри келиб 304,9 %га тенг бўлган. Бу борада энг паст ўсиш кўрсаткичи бошқа тур ишлаб чиқариш ва хизматлар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ҳажмининг ўсиш суръатига 98,7 %га тенг бўлган. 2023 йилда умумий хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ҳажмида энг катта улушни қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик (29,5 %), энг кичик улушни соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (4,1 %) ташкил этди.

Йирик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ҳажми 2010-2023 йилда энг юқори ўсиш суръати саноат тармоғига - 304,9 % ва энг кичик ўсиш даражаси - 158,8 % билан бошқа тур ишлаб чиқариш ва хизматлар ташкил этди. 2023 йилнинг ўзида эса қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик катта улуш (53,8 %) ҳамда бошқа тур ишлаб чиқариш ва хизматлар таркибида энг кичик улуш (0,39 %) ни ташкил этганлиги кузатилди.

Таҳлил натижаларига кўра, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ҳажмининг энг юқори ўсиш даражаси саноат тармоғида – 640,9 % ва қурилиш – 114,8 % билан энг паст даожада ўсиши кузатилган бўлса, фақатгина 2023 йилнинг ўзида ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар) ҳажмида катта улуш билан саноат тармоғи – 27,4 % ва энг кам улуш билан соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар – 1,22 % соҳаси тенг бўлганлиги аниқланди.

Хоразм вилоятида 2010-2023 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича технологик ёки технологик бўлмаган инновацияларни жорий этган корхоналар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, унга кўра вилоятда инновацияларни жорий этган корхоналар сонидан энг юқори ўсиш даражаси қурилиш тармоғида кузатилган бўлиб, у 18,1 фоизга, энг паст даражада ўсиш эса ахборот ва алоқа соҳасида – 3,8 фоизга тенг бўлган. 2023 йилнинг ўзида барча корхоналар таркибида инновациядан фойдаланган корхоналар улушида катта қийматга эга бўлган соҳа саноат тармоғи (15,7 %) ва энг кичик улушга эга тармоқ ташиш ва сақлаш соҳасида (6,6 %) эканлиги кузатилди.

Маҳаллий тадбиркорлик тузилмаларининг инновацион ривожланишини таҳлил қилиш учун моддий бойликларга капитал қўйилмалар ва номоддий активларга капитал қўйилмаларни фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Бинолар, иншоотлар, транспорт, ускуналар ва бошқалар каби моддий объектларни сотиб олиш ёки яратиш билан боғлиқ инвестициялар моддий активларга капитал қўйилмалар сифатида қаралади. Номоддий активларга капитал қўйилмалар - бу номоддий объектларни сотиб олиш ёки яратиш билан боғлиқ бўлган инвестициялар - табиий ресурслар ва мулкдан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар,

лицензиялар, товарлар ва хизматлар белгилари, ноу-хау, дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган инвестициялар киради.

2010-2023 йилларда Хоразм вилояти тадбиркорлик тузилмаларининг капитал қўйилмаларини иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилиш натижаларига кўра, инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги энг катта салмоғини саноат корхоналарига капитал қўйилмалар ташкил этиши аниқланди (18-20%, энг кичиги - вақтинчалик яшаш ва озик-овқат ва сув таъминотини ташкил этиш тадбиркорлик тузилмаларида; канализация, чиқиндиларни бошқариш (0,4-0,6%).

Касбий, илмий ва техник фаолиятнинг хўжалик юритувчи субъектларига капитал қўйилмаларнинг солиштирма оғирлигининг сезиларли даражада ошиши Хоразм вилояти иқтисодиётининг инновацион йўналиши учун кучли далилдир. Иқтисодий фаолият турларидан капитал қўйилмаларни қўйилма турлари бўйича кўриб чиқсак, фақат “Ахборот ва телекоммуникациялар” соҳаси 130,5 фоизга номоддий активларга капитал қўйилмаларнинг устунлиги билан тавсифланади.

2010-2023 йилларда иқтисодий фаолиятнинг энг истиқболли турларини аниқлаш мақсадида 2010-2023-йиллар учун хоразм вилоятидаги тадбиркорлик субъектларининг, хусусан, йирик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиш тенденциялари бўйича жамланган маълумотлар бўйича А иловада келтирилган кўрсаткичлардан 2010 ва 2023 йилларда иқтисодий фаолият турлари умумий сондаги кўрсаткичлар улушига кўра тартибланган (2-жадвал).

2-жадвал

2010-2023 йилларда иқтисодий фаолият турларининг умумий сондаги кўрсаткичлар улуши бўйича рейтинг²

Иқтисодий фаолият турлари	Йиллар	2010, 2023 йиллар умумий сондаги кўрсаткичлар улуши бўйича иқтисодий фаолият турларининг рейтинглари				
		Nt*	Q*	Sm*	Kq*	Kqh*
Савдо (чакана, улгуржи,...)	2010	1	2	1	4	3
	2023	1	2	1	5	5
Саноат	2010	2	1	2	1	1
	2023	3	1	2	1	1
Қурилиш	2010	3	4	6	5	7
	2023	4	3	6	4	5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик	2010	4	4	3	7	6
	2023	5	4	4	6	4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2010	6	6	4	8	8
	2023	5	6	4	6	6
Бошқа турлар	2010	7	3	5	6	5

² Муаллиф ишланмаси

	2023	7	3	5	2	2
Ташиш ва сақлаш	2010	8	6	5	8	5
	2023	6	6	4	7	8
Ахборот ва алоқа	2010	8	7	9	2	7
	2023	8	7	8	3	8

* Nt - тадбиркорлик субъектлари сони; Q - Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (товар, хизматлар) ҳажми; Sm - сотилган маҳсулот (товарлар, хизматлар); Kq - капитал қўйилмалар ҳажми; Kqh - корхоналарнинг капитал қўйилмалари

Чуқур таҳлил қилиш ва фаолият соҳаларини уларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонидаги улуши, ишлаб чиқарилган ва сотилдиган маҳсулот (товарлар, хизматлар) ҳажмлари, капитал қўйилмалар ҳажми, иқтисодийнинг энг истиқболли йўналишлари бўйича тартиблаш натижаларига кўра: “Савдо (чакана, улгуржи,...)”, “Ишлаб чиқариш саноати”, “Ахборот ва алоқа”, “Ташиш ва сақлаш”, “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик”, “Бошқа турлар”, “Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар”, “Қурилиш” ҳамда “Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар” фаолияти сифатида эътироф этилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот (товарлар, хизматлар) ҳажмлари, иқтисодий фаолиятнинг энг истиқболли соҳалари капитал қўйилмалари ҳажми кўрсаткичларининг умумлаштирилиши шаклда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

2010-2023 йилларда иқтисодий фаолиятнинг энг истиқболли турлари кўрсаткичларини умумлаштириш³

Иқтисодий фаолият турлари	Умумий миқдорга улуш, %						
	2010	2015	2020	2021	2022	2023	
Иқтисодий фаолият турлари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар сони, бирлик.							
Савдо (чакана, улгуржи,...)	22,68403	28,11205	29,62286	30,43815	32,11844	33,4625	↑
Саноат	16,33701	18,71067	19,18448	19,08185	19,39984	18,79325	↑
Қурилиш	14,45919	13,08519	12,11454	11,1561	10,36566	9,735677	
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик	9,614422	11,18956	11,58268	13,78589	13,31876	13,7455	↑
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	10,77867	7,774367	9,288707	8,690113	8,585056	8,282591	↓
Хўжалик фаолияти турлари бўйича корхоналарнинг ишлаб чиқариш (товарлар,							

³ Муаллиф ишланмаси

хизматлар) ҳажми							
Савдо (чакана, улгуржи,...)	17,41267698	15,23164	20,00466	19,21867	17,38914	18,13954	↑
Саноат	10,88032679	14,62989	22,39612	21,66919	25,69589	25,96122	↑
Қурилиш	13,82975041	12,16249	6,653624	7,859734	7,495775	7,779969	
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик	34,97767162	41,23549	34,83697	34,80989	31,66836	29,53658	↓
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4,032956001	3,848735	4,063257	4,178377	4,59697	4,851205	↑
Хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал қўйилмалари ҳажми							
Савдо (чакана, улгуржи,...)	14,89143	14,96534	14,96625	16,28324	15,33457	16,62711	↑
Саноат	16,69341	16,76345	16,76527	18,08464	17,13216	17,59734	↑
Қурилиш	15,89413	15,96436	15,96274	17,21245	16,33447	16,3244	↓
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик	17,79511	17,86354	17,86333	19,12347	18,23746	19,54317	↑
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	14,99413	15,06124	15,06275	16,86434	15,43456	16,72245	↑

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар сони бўйича савдо (чакана, улгуржи,...) соҳаси устунлик қилмоқда, уларнинг умумий корхоналар сонидаги улуши 2023 йилда 33,5 фоизни ташкил этди. Ундан кейинги ўринда Саноат тармоғи бўлиб, унда 2023 йилнинг ўзида жами корхоналар таркибидаги улуши 18,8 фоизни ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик соҳасида 13,8 фоизга тенг бўлган.

Хўжалик фаолияти турлари бўйича корхоналарнинг ишлаб чиқариш (товарлар, хизматлар) ҳажми таркибида энг юқори кўрсаткич қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик соҳасига тўғри келиб унга кўра, 2023 йилда 29,5 %, саноат тармоғининг улуши бўлиб, деярли 26,0 %га тенг бўлди. Бу борада иқтисодий фаолиятнинг энг истиқболли турлари бўйича ажратиб олинган хўжалик субъектлар таркибида энг паст улушга эга тармоқ бу яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси бўлиб 2023 йилда умумий хўжалик фаолияти турлари бўйича корхоналарнинг ишлаб чиқариш (товарлар, хизматлар) ҳажмида 4,9 фоиз улушни ташкил этди.

Таҳлил натижаларига кўра, 2010-2023 йилларда Хоразм вилояти хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал қўйилмаларининг энг юқори ҳажми қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик тармоғида бўлиб, ўртача 18,4 фоизга ёки 2023 йилнинг ўзида 19,5 фоизни ташкил этди. Вилоятда капитал қўйилмалар бўйича 2023 йилда иккинчи ўринда саноат тармоғи – 17,6 % ва учинчи ўринни яшаш ва овқатланиш

бўйича хизматлар соҳаси – 16,7 % эгаллади. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида кўрсаткичларнинг тўлқинсимон динамикаси Хоразм вилояти иқтисодиётининг беқарорлиги натижасидир.

Шундай қилиб, таҳлил қилинаётган аксарият хўжалик тузилмаларининг уставларида иқтисодий фаолиятнинг қўшимча турлари устунлик қилади, улар ўртача тўртдан уч қисмини ташкил этади, бу эса ўз навбатида тадбиркорлик тузилмаларининг иқтисодий фаолиятининг асосий турларининг улуши ўртача атиги 1 га тенг эканлигини кўрсатади. Аниқланишича, бу тенденция сўнги 20 йил давомида сақланиб қолган, буни бундан 2, 5, 10 ва 15 йилдан ортиқ вақт олдин ташкил этилган бизнес тузилмалари маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Фойдаланилган манбалар:

1. <https://lex.uz>
2. <https://xorazm.uz>
3. <https://stat.uz/uz>
4. <https://www.xorazmstat.uz/uz>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

